

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил

Мустақкам оила
ЙИЛИ

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 13-APREL, JUMA, 45 (7972) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



Фарғона вилоятида ҳам балиқчилик тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилда балиқчиликка ихтисослашган 32 фермер ҳужа-лиги ташкил этиш белгиланган. Бу ишнинг амалга оширилиши вилоятда балиқ етиштириш ҳолатини янада кўпайтириш, янги иш ўрин-лари очиш имконини беради.



...Янгилик лаборатория шароитида эмас, балки замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонада синавдан муваффақиятли ўтди. Топинамбур поясида целлюлоза олинди. Бу қорғоз ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади.



Навоийда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Умид нихоллари — 2012" республика спорт мусобақаларига тайёргарлик ишлари жадал давом этмоқда. Тадбир иштирокчи-ларини кутиб олиш, жойлаштириш, уларга зарур шароитларни яратиш, беллашувларни юқори савияда ташкил этиш мақсадида шаҳардаги 8 та таълим муассасасининг спорт иншоотлари тўдан қайта таъмирланиб, 2 та муҳташам мажмуа ва бир қатор иморатлар янгидан барпо этиляпти.

Кўннинг муҳим воқеалари

► Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕОХТ) кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллбек 12 апрель куни Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданият маркази директори Насриддин Мухаммадиев билан учрашди. Шунингдек, у Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Халқ таълими вазириликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида ҳам музокаралар ўтказди.

► Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, "Хайт учун!" миллий уюшмаси, БМТ Аҳолишу-нослик жамғармаси ҳам-корлигида "Соғлом она — соғлом бола — мустақкам оила асоси" мавзусида давра суҳбати ўтказил-ди. Унда тоғишли вази-рлик ва идоралар, жамо-ат ташкилотлари вакил-лари, шифокор ва психо-логлар, мутахассислар иштирок этди.

► Қўнғирот туманидаги Наврўз овул фуқаролар йиғини ҳудудида сутни қайта ишлайдиган цех ишга туширилди. Натика-да ёшлар учун янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли-га сифатли сут маҳсулот-лари етказиб берилмоқда.

► Сирдарё вилояти со-ломлаштириш реабилитация марказига яна бир янги замонавий тиббий аппарат ўрнатилди. БТЛ 16 PLUS деб номланувчи ушбу ускуна умуртка хас-таликлари, остеохондроз, халқасимон тоғайлар чуррасининг бошланғич даври, бўғим касаллик-ларини даволашда яхши самара беради. Мутахас-сисларнинг таъкидлаши-ча, унинг ёрдамида бел, бўйин, кўкрак умуртка-ларини чўзиш ҳам мумкин. Муолажалардан кейин халқасимон тоғайлар чурраси 2-3 сантиметрга қисқариб, танадаги оғ-рик камаяди.

Сурхондарё Вилояти

ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАЛАРИ



Мамлакатимизда аҳолининг репро-дуктив саломатлигини муста-камлаш, оналик ва болаликни муҳрфаза қилиш, ёш авлоди ҳар замонавий ускуналар билан таъминланаёт-тир.

Жумладан, туман тиббиёт бирлашмасининг 80 ўринли туғуруқхона бўлими ўтган йили "Са-ломатлик-2" лойиҳаси доирасида замонавий жарроҳлик, наркоз ускуналари ва УЗИ аппа-ратлари билан жиҳозланди.

Туманда истиқомат қилаётган 52 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёлнинг 23 минг 140 на-фари жорий йилнинг ўтган уч ойида тиббий кўриқдан ўтказилди. Амалга оширилаётган бун-дай хайрли ишларнинг барчаси жисмонан со-ғлом фарзандларни дунёга келтириб, вояга етказишда муҳим омили бўлаётди.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎА) олган сурат.

Сурхондарё Вилояти

«БОЁВУТ-БУНЁДКОР»НИНГ СИФАТЛИ ҒИШТЛАРИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кенг қўлланма бунёдкорлик ишлари олиб борила-тир. Бу жараёнда, яъни қишлоқ қиёфасини ўзгар-тириш, қишлоқ аҳолисининг уй-жойларини янада яхшилаш, қишлоқда ишлаб чиқариш ва инфрату-зилмани жадал ривожлантиришни ташкил этишда тадбиркорларнинг ҳиссаси ҳам катта бўлаёт-тир.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 июндаги "Де-ворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифати-ни яхшилаш борасидаги қў-шимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижро-си ўлароқ, янги корхоналар ташкил этилмоқда.

Боёвутлик тадбиркор Жоникул Мусурмонов 2009

йилда қуриб, ишга тушир-ган заводни "Асака" банк-нинг вилоят филиали мо-лиялаштириб берганди. Айни пайтда 25-30 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қи-лаётган заводда қунига 20-25 минг дон сифатли пишиқ ғишт тайёрланаётди. Хо-машё, яъни саз туپроқ шу ернинг ўзидан олинаётган-лиги маҳсулотнинг арзонли-гини таъминламоқда.

Завод жамоаси ўтган йили буюрт-мачиларга 8 миллион дон-дан зиёд ғишт етказиб бе-ришди. Фахриддин Маржаев, Шухрат Сангиров, Абдуназар Эсонтурдиев, Исмаил Шойзо-ков, Алишер Комилов каби уста оператор, бульдозер машинисти ва тайёр махсу-лотларни таҳовчилар қо-либ қолган агрегатлари ҳамда печларнинг бир маромада юқори қувватда ишлашини таъмин этишаёт-тир.

Ғиштни қолиплашнинг иккинчи линиясини ишга тушириш чораларини қўри-миз, — дейди "Боёвут-бунёд-кор" хусусий фирмасининг иш

бошқарувчиси Исмаил Шойзо-ков. — Россиядан келтирилган янги технологияни корхонага ўрнатиш ишлари яқин кунлар-да тугалланади ва келажақда вилоят аҳолиси ҳамда уй-жой қурувчи ташкилотларга тўла-лигича сифатли ғишт етказиб бера бошлаймиз.

Туманимизда юқори қувватли ғишт заводининг ишга туширилиши қатор қулайликлар яратди, — дей-ди "Навбахор" сув истеъ-молчилари уюшмаси раиси Абдулжаббор Каримов. — Ав-валлари ғиштни Янгийўл-дан олиб келардик. Вақт йўқотила-ди, яна ортиқча транспорт харажатларига

сармоя сарфланарди. Сул-тонхонув қишлоғида тайёр-ланаётган ғишларнинг си-фатини, мустақамлигини кўриб, қишлоқларимизга ҳам саноат жадал кириб келаёт-ганлиги, Президентимиз раҳнамолигида улкан бун-ёдкорлик ишлари давом эт-тирилаётганидан беҳад қувонамиз.

"Боёвут-бунёдкор" фир-масининг тайёр маҳсулотни буюртмачиларга етказиб берадиган 6 та автомашина-си бор. Бу эса буюртмачи-лар учун янада қулайлик яратмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОВОД, "Qishloq hayoti" мухбири.

Сардоба туманидаги 9-умумтаълим мактабида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш ва аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида унинг маъно-мазмунини ва моҳиятини очиб бериш масала-ларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Сирдарё вилояти ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, маънавият тарғибот маркази, Гулистон давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда кенг жамоат-чилик вакиллари, талаба-ёшлар ва ўқувчилар иштирок этди.

Семинарда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мус-тақилликка эришиш оstonасида» китоби истиқлолимиз та-риҳини ўрганиш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг кад-рига етиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш-да муҳим қўлланма экани алоҳида таъкидланди.

Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, фуқароларнинг ўз қобилияти ва иқтидорини юзага чиқариши учун яратилган шароит ва им-кониятлар ўзининг юксак самараларини бераёт-тир. Мазкур китобнинг мазмун-моҳияти, илмий-назарий аҳамиятини кенг оммага етказиш халқимиз эришаётган бундай ютуқ ва натижаларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Президентимизнинг ушбу асари мустақил давлатимиз тарихи ҳақидаги қимматли илмий манба бўлиб, унда 1989-1991 йиллардаги мураккаб сиёсий жараёнларга ҳаққоний баҳо берилган, — дейди 9-умумтаълим мактаби директори А.Бойжигитов. — Китобни чуқур ўқиб-ўрганган ҳар бир юрт-дошимиз қалбида мустақиллигимизни асраб-авайлаш, бу-гунги дорилмон кўнларни кадрлаш, ватанпарварлик, юрт-га садоқат, фидойилик туйғулари янада кучаяди.

Семинарда мазкур китобни ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш борасидаги вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Д.ЭСОНОВА, ЎАА мухбири.

БЕМОРЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИШ БАХТИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оила, оналик ва болалик манфаатларини таъмин-лаш, миллатимиз генофондини янада соғломлаш-тириш, алоҳида эҳтиёжли болаларга меҳр ва раҳматлик кўрсатиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Бундай эзгу ишларга жамоат ташкилотлари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаёт-тир. "Sen yolg'iz emassan" Рес-публика жамоатчилиги болалар жамғармаси томонидан ота-она меҳридан бебаҳра қолган ўғил-қизлар саломатлигини яхшилаш, уларни малакали шифокорларнинг тиббий кўри-гидан ўтказиш, зарур ҳолларда ёрдам кўрсатиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 6-12 апрель кунлари ушбу жамоат таш-килотига ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг шифокорлари — пластик жарроҳлар томонидан Андижон вилоятидаги лаб-танглай қисмида нуқсонли бор кам таъ-минланган оилалар фарзандлари ва ота-онаси болалар-нинг 90 нафардан ортиғи тиббий кўриқдан ўтказилди. Улардан хасталиги мураккаб ва асоратли деб топилган 22 нафар бемор бола Андижон клиникаларида операция қилинди.

— Фарзандини соғлом ва шодон қўриш ота-она учун — олий бахт, — дейди Равшанбек Сотиев. — Беш яшар ўғлим Элдоржоннинг лаб-танглай қисмини даволашда оид жар-роҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди. Моҳир шифокор-ларнинг сый-ҳаракати билан ўғлим дарддан фориг бўлди. Ҳозир у ўзини яхши ҳис қилаёт-тир. Бизга ана шундай қувонч улашган шифокор-мутахассислардан беҳад миннатдоримиз.

Н.УСМОНОВА, ЎАА мухбири.

Рақамли телевидение истиқболлари

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН "ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ" МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Анжуманда таъкидланганидек, рақамли телевидение ўзининг қулайлиги, имконияти кенглиги, арзонлиги билан бошқа хизмат турларидан фарқ қилади. Мам-лакатимиз аҳолисини сифатли теледастурлар билан таъминлаш мақсадида 12 теледастур тақдим этиш билан бирга рақамли теле-видениега ўтиш мўлжалланган. Улардан 7 таси мамлакат ва 5 таси хорижий дастурлардир. Ҳозирда Қорақалпоғистон Рес-публикаси, Тошкент шаҳри, Ан-дихон, Наманган, Фарғона, Тош-кент, Самарқанд, Бухоро, Хо-

разм, Қашқадарё вилоятларининг аксарият ҳудудларида истиқомат қилувчи фуқаролар замонавий телевизор ёки тюнер мослама-си орқали сифатли теледас-турларни томоша қилиш имкониятига эга бўлади-лар. Айни пайтда рақамли теле-видение республикамиз ҳудуди-нинг 37,5 фоизини қамраб ол-моқда. Рақамли телеузатишлар ҳажмида 40 та теледастур уза-тилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йил 29 ноябрь куни МДХ мамлакат-лари орасида илк бор Ўзбекис-

тон Миллий телерадиоконпания-си томонидан кирилган HDTV форматидagi ерусти узатиш теле-каналли — "Uz HD" фойдала-нишга топширилди. Бундан таш-қари, HDTV форматидagi 4 та хо-рижий телеканал трансляцияси амалга оширилмоқда.

— 2012 йилдан эътиборан тўловларни қабул қилишга мўлжалланган «sms-to-lov» тизи-мида иш олиб боришмоқда. Бу хизмат доирасини кенгайтириш мақсадида қатор чора-тадбир-ларни амалга ошириш кўзда ту-тилган, — дейди Ўзбекистон

алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори би-ринчи ўринбосари Асрор Ишон-ходжаев. — Булар тариф режаси, ҳисобрақамидаги қолдиқ ва тўловнинг тугаётганлиги ҳақида оғохлантирувчи "sms"лар, абон-ентларга маълумот берадиган ва товуш менюси орқали хиз-матларни бошқаришга кўмакла-шадиган "автотинформатор" ти-зимини ўрнатиш ва бошқалар. Бундан ташқари, республика-мизда рақамли телевидение тармоғи абонентлари билан са-марали иш олиб бориш мақса-

дида "Uz Digital TV" МЧЖ фаоли-ят олиб бормоқда. У тарифлар-ни ишлаб чиқиш, ускуналарни етказиб бериш ва мижозларга рақамли телевидение хизматла-рини кўрсатиш билан шуғулла-нади. Интернет тармоғидан фой-даланувчилар орасида рақамли телевидение хизматларини таш-кил этиш мақсадида компания-нинг янги функционал корпора-тив сайти ишга туширилди.

Бугунги кунда мижозларга 3 пакет тавсия этилмоқда — "их-тимоий", "стандарт" ва "преми-ум". Ижтимоий пакетга кирган

дастурларга телетомошабинлар эркин равишда улашиш имкони-ятига эгалар. Қолган икки пакет-га улашиш эса пуллик бўлиб, бу-нинг учун томошабинлар махсус тюнер сотиб олишлари лозим.

2015 йилга қадар томошабин-



лар ҳам аналог, ҳам рақамли телевидениедан бирдек фойда-ланишлари мумкин. 2015 йил-дан эса тўлиқ рақамли стан-дартга ўтиш режалаштирилган.

Дилфўз ҒАЙБИЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

ХУСУСИЙ ТИББИЁТ ТАКОМИЛЛАШУВИ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Хусусий тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор вазифалардан бири” мавзuida матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза-лашда давлат муассасалари билан бирга хусусий тиббиёт масканлари ҳам фаол иш олиб бораётир. Улар даволаш жараёнида жаҳон тиббиётининг илгор ютуқларидан кенг фойдаланишмоқда. Хусусий тиббиёт муассасаларини янада ривожлантиришга қаратилган эътибор самараси ўларок, ҳозирда мамлакатимизда икки мингдан зиёд хусусий шифо муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда олти минг нафардан зиёд малакали шифокор эл саломатлигини асрашга

ҳисса қўшаётир. Юртбошимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тизимда олиб борилаётган ислохотларни янада юқори босқичга кўтаришга дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Мамлакатимизда яратилган шарт-шароит ва берилган имтиёзлар натижа-сида сўнгги йилларда хусусий тиббиёт муассасаларининг техник базаси мустаҳкамланди. Жумладан, ушбу тармоқ тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари

ва сарфланадиган матери-алларни четдан келтириш-да солиқ ва божхона имтиёзларига эга. Бундай им-кониятлар хусусий тиббиёт тармоғининг моддий-тех-ник базасини такомиллаш-тириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда ўз самарасини бераётир. Бугунги кунда нодавлат тиббиёт муасса-саларида компьютер ва магнит резонансли томог-рафлар 28 тани ташкил эт-моқда. Автомат ва ярим ав-томат шаклидаги биоким-вий анализаторлар сони 2008 йилда бор йўғи 8 тани ташкил этган бўлса, бугун-ги кунда 60 тадан ошиб кет-ди. Ультратовуш диагнос-каси ускуналари 2008 йил-да 125 тани ташкил этган бўлса, ҳозирда 280 тага етди.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, ана шундай кенг қўламли шароитлар яратилганига қарамай, ушбу тармоқда камчилик ва нуқ-сонларга ҳам йўл қўйилмоқ-да. Ўзбекистон Соғлиқни

сақлаш вазирлиги томони-дан хусусий тиббиёт муас-сасалари фаолиятини ўрга-ниш бўйича ўтказилган мо-ниторинг ва текширишлар жараёнида айрим хусусий шифохоналарда бирламчи тиббиёт хужжатларини тў-лиқ ва тўғри юритмаслик, стерилизация жараёнида белгиланган талаб ва қои-даларга тўла риоя қилмаслик, талабга жавоб бермайдиган бино ва хоналардан фойда-ланиш, метрология кўригидан ўтказилмаган тиббий асбоб-ускуналардан фойда-ланиш, лицензияланмаган тиббий ихтисосликлар билан шугулланиш каби камчилик-лар аниқланди. Уларни бар-тараф этиш соҳадаги дол-зарб вазифа эканлиги қайд этилди.

Анжуманда амалга оши-рилиши режалаштирилган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган са-воълларга батафсил жавоб олишди.

Гулноза ТУРҒУНБОВЕВА,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Навоий Вилояти

“Навоийазот” очик акциядорлик жамиятида “Кимё саноати корхоналари учун юқори малакали ёш кадрларни тайёрлаш” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси вакиллари, Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Навоий шахридаги техника-иктисодиёт ҳамда индустриал-иктисодиёт касб-хунар коллежлари ўқитувчилари, ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этдилар.

«НАВОИЙАЗОТ»: МАЛАКАЛИ ЁШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Тадбирда «Ўзкимёсаноат» давлат акция-дорлик компанияси бошқаруви раиси Х.Шерматов ва бошқалар истиқлол йиллари-да мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кимё саноатини кенгайтириш ва унумдорли-гини ошириш, уни техник қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш, инфратузилмасини такомиллаштириш, илгор технологиялар асосида янги, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, соҳага катта миқдорда инвестициялар, жум-ладан, хорижий инвестицияларни жалб қилишга доимий эътибор қаратилаётгани ту-файли жадал юксалиб бораётганини таъкид-лади. Соҳани янада тараққиш эттиришда малакали мутахассислар муҳим роль ўйнай-ди. Шу боис, “корхона – коллеж” ҳамкорли-ги нафақат касб-хунар коллежлари битирув-чиларини иш билан таъминлашда, балки корхона учун ҳам катта аҳамиятга эга.

“Навоийазот” ОАЖ томонидан янгидан-янги лойиҳалар яратилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Натижада бу имкониятлар аҳоли

турмуш фаровонлигининг юксалишига асос бўлиб хизмат қияпти. Мазкур корхонада бугунги кунда 12 минг нафарга яқин киши фаолият юритаётган бўлса, улар орасида ёш мутахассис кадрлар кўпчиликни ташкил этади. Корхонада айни пайтда ўқувчилар-нинг амалиёт ўташлари учун барча имко-ниятлар яратилган. Келгусида жамиятда янги 3 та лойиҳани амалга ошириш режа-лаштирилган бўлиб, бу бир ярим мингга яқин янги иш ўрни яратилишига замин бўлади.

– 400 дан зиёд ўқувчилар бугунги кун-да цехларимизда ишлаб чиқариш амалие-тини ўтамоқда, – дейди “Навоийазот” жа-мияти кадрлар бошқармаси бошлиги ва-зифасини бажарувчи Фазлиддин Холмуро-дов. – Завод мутахассислари коллеж ўқу-вчиларининг малака оширишларига қўмак беришпти.

Семинар қатнашчилари корхонанинг иш-лаб чиқариш цехларида бўлиб, иш жараёни билан яқиндан танишдилар.

Маърифат ШАРИПОВА

Хоразм Вилояти

Ҳар кимнинг ўз имконияти ва салоҳияти даражасида меҳнат қилишга, унинг самара-сидан баҳраманд бўлишга қўлай муҳит яратиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, айниқса, ёшларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш мамлакатимиз-да олиб борилаётган сиёсатнинг устувор вазифаларидан бирига айланган.

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридаги оила-ларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувват-лаш, муносоиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш каби вазифаларни амалга оширишни таъминлаш Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шу боис, туман ҳокимлиги, ту-ман прокуратураси, туман ички ишлар бўлими, Хо-тин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда аҳоли-ни, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш чорала-ри кўрилмоқда. Буни янги корхоналар ташкил қилиш, ночор аҳволдагиларини қайта тиклаш, шунингдек, тадбиркорлик, ўй меҳнати ва касаначиликни ривож-лантириш, фермерлик ҳаракатини юксалтириш, чор-вачилик, асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик каби соҳаларни ривожлантириш орка-ли амалга оширишни кўзламоқдамиз. 2011 йилда “Янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”га мувофиқ 6166 та янги иш ўрни яратилди. Ўтган йили 7 мартаба меҳнат бо-зори ярмаркаси ўтказилиб, уларда 365 та корхона 1737 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ушбу тад-бирларда 675 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Аҳоли бандлигини таъминлаш йўналиши бўйича яра-тилган бўш иш ўринларига 2774 нафар фуқаро Мар-казимиз бўлинмалари орқали ишга жойлаштирилди. Мазкур Дастур асосида жорий йилда туманимизда 5853 та янги иш ўрни яратиш белгиланган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш мақсадида иш бевуви қорхоналарнинг манзилли рўйхати шакллантирилди ва ҳар бир қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимиде чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу йил-нинг ўтган даврида туман ҳудудида фаолият юритаёт-ган кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига 98 та янги иш ўрни яратилди. Бу борада Деҳқонбозор қишлоғида ибратли ишлар олиб боришмоқда. Деҳқонбозорлик Фарход Оллаберганов, Азамат Мусаевлар томонидан ташкил этилган хусу-сий қорхоналарнинг ҳар бири ҳисобига 5 нафар киши иш билан таъминланди. Шу қишлоқлик яққа тадбир-кор Раҳматжон Мадримов ўғиллари Нодирбек, Жа-лилбеклар билан бирга замонавий мебелсозликни йўлга қўйишди. Шунингдек, фермер ва деҳқон ҳўжа-ликларини ривожлантириш, уларда янги тармоқлар-ни вужудга келтириш ҳисобига ўтган 3 ой давомида 117 нафар киши муҳим иш ўрнига эга бўлди. Иқти-содий ночорлик сабабли ишламасдан турган қорхо-налар фаолиятини қайта тиклаш, молиявий соғлом-лаштириш ҳисобидан “Боғотагроқурилиш” МЧЖда 15 та янги иш ўрни қайта тикланди.

Шу йилнинг 17 февралда тумандаги Маиший хиз-мат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи-да ўтказилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида 66 та корхона, ташкилот, муассаса ва фермер ҳўжа-лиги 239 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка-га жалб қилинган 286 нафар фуқаронинг 103 нафари доимий иш ўрни билан таъминланди. Уларнинг қўчи-лиги ёшлар ва аёллардир.

Бундан ташқари, 2011–2012 ўқув йилида туманда-ги 7 та касб-хунар коллежини турли мутахассислик-лар бўйича тугаллайдиган 2704 нафар ўқувчининг 2256 нафари қорхона, ташкилот ҳамда фермер ҳўжалик-лари билан амалиёт ўташ ва кейинчалик ишга жойла-шиш мақсадида уч томонлама шартнома тузишга му-ваффақ бўлдилар.

Жамоамиз ходимлари туман аҳолисини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш орқали улар-нинг турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўиш учун бор имкониятларини ишга солишадир.

Мансурбек БОЛТАЕВ,
Боғот тумани Бандликка қўмаклашиш ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази
директори.

Фарғона Вилояти

БАЛИҚЧИЛИК – СЕРДАРОМАД СОҲА

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ҲАМ БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ХУСУСАН, ЖОРИЙ ЙИЛДА БАЛИҚЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН 32 ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЕЛГИЛАНГАН. БУ ИШНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ВИЛОЯТДА БАЛИҚ ЕТИШТИРИШ ҲАЖМИНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ОЧИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

Бувайда туманидаги “Бачқиробод” балиқчи-лик фермер ҳўжалигида бўлиб ўтган семи-нарда вилоятда бу борада қилинаётган ишлар ва галдаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

Аҳолини балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъмин-лашда балиқчиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликларининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда вилоятда 120 балиқчилик ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. 2011 йили улар томонидан 750 тоннадан ортиқ балиқ етиштирилди. Мазкур соҳани ривожлантириш орқали балиқ маҳсуло-ти сероблиги таъминланиб, таннархи 30 фоизгача ар-зонлашди.

Жорий йилда ҳам мазкур йўналишдаги ишлар изчил да-вом эттирилмоқда. Айни кунда ҳар бир туманда учтадан интенсив ҳўжаликлар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Фарғо-на ва Қувасой шаҳарларидаги “Омад”, “Ўроқбой ота”, Бу-вайда ва Бешариқ туманларидаги “Ёқубали”, “Бешариқ балиқ” масъулияти чекланган жамиятлари балиқ етишти-риш билан бирга, вилоятдаги балиқчиликка ихтисослаш-ган ҳўжаликларга балиқ уруғи ҳам етказиб бермоқда.



Бувайдада балиқчиликка ихтисослашган бешта фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири “Ёқубали” фермер ҳўжалигига қарашли учта сунъий қўлнинг умумий майдони 32 гектарни ташкил этади. Ҳозир бу ерда сазан, дўнг пешона ва оқ амур каби балиқ турлари боқилмоқда. Етиштирилаётган балиқни истеъмолчиларга сифатли етказиш учун 2011 йили Фарғона шахрида иккита, Марғи-лон ва Қўқон шаҳарларида биттадан тирик балиқ сотишга мўлжалланган дўконлар ишга туширилди. Бу йил намуна-вий лойиҳалар асосида вилоятнинг шаҳар ва туманларида 16 та ана шундай дўкон қуриш ишлари олиб боришмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Андижон Вилояти

ТАДБИРЛИ ФЕРМЕР МАҚСАДИГА ЭРИШАДИ

Шу кунларда Балиқчи туманидаги “Обиджон Ота” фермер ҳўжалиги ғаллазорларида бўлди. Бугдой май-салари тиззага келай, деб қолибди. Ғаллазорга кўз югуртирсангиз, экиннинг тўқлиги, ноллиги жойида экан-лиги яққол кўриниб турибди.

Фермер Баҳромжон Қосимов билан ғаллазор ораладик. Бир донга бугдойдан унб чиккан ни-хол тулпарини санадик. Бир донга бугдой 18 тупга етдиби, ҳар бир тупда учтадан бўйим бор ва бугун эрта тўртинчиси пайдо бўлиши кўриняпти.

Баҳромжон Қосимовнинг касби иқтисодчи. Шу боис, ҳўжаликда деҳқончилик ишларини ташкил этиш баробарида тежамкорлик ва далада ишлаётганларнинг моддий манфаатдорлигини биринчи ўринга қўяди. Айтайлик, ўтган йили ҳар гектар ердан 82 цент-нердан бугдой олиб, шартнома режасини ошириб бажарди. Бу ютуқ Президентимизнинг Респуб-

лика ғаллазорларига йўллаган табриғида ҳам эътироф этилди. Хирмонида салкам 300 тонна дон қолди. Унинг тенг ярмини ҳўжа-лик аъзоларига тақсимлаб берди. Механизатор ва сувчиларнинг ҳар бири уч тоннагача дон олди.

Фермер пахта тайёрлаш режа-сини ҳам наикни туманда, балки вилоятда илгорлар қаторида бажо-риб, ҳосилдорлигини гектар ҳисо-бига 40 центнердан оширди. Пах-та хомашеси йиғиштириб олинган, далада тозалов ўтказилди. Корчо-кага қўндаланг тарзда чизель қили-ниб, сўнгра НРУ мосламаси билан гектарига бир тоннадан фосфор солинган, бугдой экилади. Ўтган куннинг 20–28 октябрь кунлари

86,5 гектар ерга бугдой уруғи се-дилди. Тилибжон Ортиқов, Жамо-лиддин Султонов, Сафар Тожибо-ев каби 12 нафар миришкор деҳ-қонлар пешона-пеш сув очилди.

Мазкур фермер ҳўжалигида ўғит бериш баробарида суғориш, ал-батта, “шарбат” усулида ўтказила-ди. Ҳўжаликда 50 бошдан зиёд қорамол, 100 бош қўй-қўзи бор. Шу боис, гўнг жамғаришда ташвиш йўқ. Фермер суспензиядан сама-рали фойдаланади. Далага трак-тор киришига шароит яратилиши биланоқ, экинларга биринчи су-спензия берилди. Тайёрланадиган эритма таркибида карбамид, фос-фор, калий қаторида гектар ҳисо-бига 2 килограммдан мис талқо-ти, бир килограммдан бор кисло-таси кукуни қўшиб, аралаштири-лади. Баҳромжон Қосимов апрель ойининг қолган кунларида яна икки бор суспензия сепишни мўлжал-лаб турибди.

— Деҳқончилик билан шугулла-

ятларидан балиқ чавоқлари олиб келиб, парваришланмоқда.

— Балиқчилик — сердаромад соҳа, — дей-ди ҳўжалик раҳбари Алишер Мамажонов. — Ўтган йили 40 тоннага яқин балиқ етиш-тирган эдик, жорий йилда бу кўрсаткични 60 тоннага етказишни мўлжаллаяпмиз.

Ҳўжалик маҳсулотлари шаҳардаги мак-табгача таълим муассасалари, шифохона-лар, мурувват уйларида ҳамда махсус сав-до дўконлари орқали аҳолига етказиб бе-рилмоқда.

СУРАТДА: “Ўроқбой ота” фермер ҳўжа-лиги ишчиси Аъзам Абдукаримов.

Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Наманган Вилояти

Уйчи туманидаги Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғини йилдан-йилга кенгай-иб, овоз ортирмиш-нинг обод масканла-ридан бирига айла-ниб бораётир. Мазкур қишлоқ ҳудудида тўртта маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, улар-да жами 3540 хона-донда 15 мингга яқин аҳоли истиқо-мат қилади. Улар-нинг аксариятини қишлоқ ёшлари ташкил этади.

ҒАЙРАТНИНГ ҒАЙРАТЛИ ЁШЛАРИ

Шунингдек, тўртта умум-таълим мактаби, учта мак-табгача таълим муассасаси, битта ўрта махсус касб-хунар коллежи, битта қишлоқ врачлик пункти, тез тиббий ёрдам ва бошқа кўплаб савдо-сотик ҳамда маданий-маиший хизмат шохобчалари қишлоқ аҳоли-сига хизмат кўрсатади.

— Мамлакатимиз Прези-дентининг “Қишлоқ жойлар-да уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аҳмадхон Улугбоев, — бизнинг Боягон маҳалла-мизда ҳам намунавий лойиҳа бўйича ўттизта ту-рар-жой биноси қад ростла-ди. Замонавий, шинам уй-жойларнинг аксарият қисми-да ёш оилалар истиқомат қилишяпти. Ёшларни дои-мий иш билан таъминлашга ҳам катта эътибор қаратил-моқда. Яқинда хусусий тад-биркор Илҳомжон Асқаров собиқ “Ғайрат” ширкат ҳўжа-лигининг маъмурий биноси-ни қайтадан таъмирлаб, у ерда 80 иш ўрнига эга бўлган тикувчилик цехи очди.

— Моҳир чевар қизлари-миз замонавий тикув даст-гоҳларини ишлатишни ўзлаштириб олишди, — дей-ди иш юритувчи Зулайхо Асқарова. — Корхонамиз маҳсулотларига талаб ва эҳтиёжнинг кундан-кунга ортиб бораётганлиги биз-ларни янгилик сари инти-лишга, изланишга илҳом-лантирмоқда.

Уйчи туманидаги Илҳом-жон Асқаров сингари тад-биркор йигитларнинг йил-дан-йилга кўпайиб бораёт-гани ва уларнинг саяё-ҳара-катлари ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётганли-ги янги иш ўринлари яра-тилишида муҳим омил бўлаётир.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ЎНТИЛИШ



Фермер шундай ишлайди. Вақ-ти келганда оромидан воз кеча-ди. Ана шундагина ҳосил мўл, хир-мон юксак бўлишини билади-да. Қобилижон АСКАРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ХОМАШЁНИНГ ЯНГИ МАНБАИ

Кейинги йилларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида тез-тез тилга олинаётган, кўп миқдорда етиштирилаётган топинамбур — ер ноки саноатнинг бир қатор тармоқларида хомашё сифатида қўлланиладиган ўсимлик эканлиги намоён бўлмоқда. Хусусан, Францияда ушбу ўсимлик ўн минг гектардан зиёд ерда экилиб, унинг ҳосилидан ўттиз хилдан зиёд дори-дармон тайёрланади. Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда ҳам топинамбур етиштирилиб, мевасидан, гулидан фармацевтика соҳасида, бошқа тармоқларда кенг миқёсда фойдаланилган.



“Наманган қоғози” корхонаси фаолиятидан лавҳалар.

Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказига қарашли Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти олимлари топинамбурнинг янги — “Файз-барака” нави яратдилар. Тошкент фармацевтика, Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги микробиология институтларида қандли диабет хасталигини даволашда қўлланиладиган қўшимча дори-дармонлар, “Топинамбур шарбати” тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди ва уларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ушбу ноёб ўсимликдан чиқитсиз технология асосида фойдаланиш борасидаги изланишлар бошқа йўналишларда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Чунончи, Тошкент

тадқиқотчилар бу ўсимлик поясида целлюлоза олиш технологиясини яратганликлари ва бу янгилик саноат миқёсда амалга оширилганлиги эътиборга сазовордир.

Янгиликнинг ўзига йўл очибди мамлакатимиз пойтахтида ҳар йили ўтказиб келинаётган Инно-

Чикитсиз технология

вацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республикаси ярмаркаси муҳим аҳамият касб этди. 2011 йилги IV ярмаркада тадқиқотчилар томонидан намойиш этилган янги инновацион технология лойиҳаси “Наманган қоғози” масъулияти

этилиши билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириб турди. Тошкент Иқтисодиёт университети жамоаси ҳам бу ишга жалб этилиб, талабаларнинг бевосита иштирокида тўрт гектар ерда топинамбур етиштирилди ва 2011 йил кузида унинг пояси “Наманган қоғози” корхонасига етказиб берилди. Шундан сўнг янгилик лаборатория шароитида эмас, балки замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонада синовдан муваффақиятли ўтди. Топинамбур поясидан целлюлоза олинди. Бу қоғоз ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади.

— Ҳозиргача корхонамизга целлюлоза Россия, Финландия сингари хорижий мамлакатлардан валюта ҳисобига келтирилади, — дейди “Наманган қоғози” МЧЖ директори Юнус Содиков. — Бунинг учун йилига қарийб 4 миллион АҚШ доллари сарфланади. Бу маблағни тежаб қолиш ва корхонанинг хомашёга бўлган эътиёжини тўлиқ қондириш мақсадида уч юз гектар ерда топинамбур етиштириш ва унинг поясини корхонамизга етказиб берилиши чоралари кўрилмоқда. Бу ишнинг дебо-часи сифатида Наманган вилояти-нинг ўзида топинамбур етиштириш учун 10 гектар ер ажратилди.

Ўз соҳаси фидойисининг сўзларини мушоҳада этар эканмиз, наманганликлар тажрибаси Тошкент ва бошқа жойлардаги қоғоз корхоналарида ҳам оммалашса, нур устига аъло нур бўлар эди, деган эзгу орзу кўнгулдан ўтди. Янгиликнинг қаноти бор, деб бежиз айтилмаган.

Суннат САЙДАЛИЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Хоразм Вилояти

Тадбиркорлар ички имкониятлардан унумли фойдаланиш боробарида соҳага инвестиция киритиш, илгор технологияларни амалиётга татбиқ этишда ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Катта имконият, имтиёз ва преференциялар берилаётгани мазкур соҳа ривожига кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда.

«АСАКА» БАНК — ЯҚИН ҲАМКОР ВА МАДАДКОРИМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган ҳамда махсус Давлат дастури амалга оширилгани ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Буни фаолиятимиз мисолида ҳам кўриб турибмиз.

Фермер ҳўжалигимиз Янгибозор тумани Чуболончи қишлоғида жойлашган бўлиб, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришга ҳамда меҳмонхона хизматлари кўрсатишга ихтисослашган. Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб келямиз. Бу жараёнда, айниқса, молия муассасалари хизматини алоҳида таъкидлашни истардик.

Кўп йиллардан буён “Асака” банк билан ҳамкорлик қилиб келямиз. Қишлоқ ҳўжалигида техникасиз мўл ҳосил етиштиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, ҳўжалигимизнинг техника паркинги бойитиш, янгилаш устида доимий иш олиб бормоқдамиз. Бунда “Асака” банк бизга мададкор бўлаётди. Унинг кўмагида лизинг асосида 1 дон “ВТ-150 ДЕ” ва 2 дон “ТТЗ-80” трактори олдик. Бундан ташқари, ҳар йили ғалла ва пахта етиштириш харажатлари учун ҳам ушбу банкдан кредит олиб келмоқдамиз.

Фаолиятимизни ривожлантириш, кенгайтириш мақсадида банкнинг Хоразм вилояти филиалидан меҳмонхона қуриш учун узоқ муддатли кредит олдик. Бу орқали хизмат кўрсатиш сифатини оширдик, қолаверса, даромадимиз ҳам кўпаймоқда.

Банк ходимларининг мижозларга бўлган самимий муносабатларидан миннатдоримиз. Бундан кейин ҳам “Асака” банк билан ҳамкорликда тараққиётга хизмат қилахак эзгу ва яхши ишларимизни давом эттиравемиз.

Насиба НУРМЕТОВА,
Янгибозор туманидаги “Файз” фермер ҳўжалиги раҳбари.

Сургарё Вилояти

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Тадбиркор ва ишбилармонларнинг сарф-харажатлари билан ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Айниқса, истиқболли лойиҳалар асосида қўшимча тармоқларни ишга тушириш ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

«АГРОКИМЁКОМПЛЕКС»НИНГ ПАРРАНДАЧИЛИК ФЕРМАСИ

Сайхунбод туманлараро “Агрокимёкомплекс” масъулияти чекланган жамияти томонидан Гулистон қишлоғида қўшимча тармоқ сифатида паррандачилик фермаси ташкил этилган.

2011 йилнинг май ойида Зангиота туманидаги паррандачилик фермасидан 3800 та зотли ҳўжалар келтирилиб, парваришлаш ишлари бошлаб юборилди. Ҳўжаларни витаминларга бой озуклар билан боқиш, ҳар икки-уч кунда ветеринар кўригидан ўтказиб туришга, айниқса, алоҳида эътибор қаратилди. Паррандачилик фермасида тўрт нафар ёш — Зухриддин Жалилов, Аҳрор Эргашев, Бобоҳон Ортиқов, Худойберди Сувоновлар доимий иш билан таъминланди. Ишбилармонларнинг хайрли тадбири беш ойдаёқ ўз самарасини берди — товуқлар тухумга кирди.

Айни пайтда паррандачилик фермасидан олинаётган маҳсулотлар жамият ошхонасида ишчи-хизматчиларни иссиқ овқат билан таъминлашда асқотаётди. Эътиҳоддан ортгани бозорга чиқариляпти.

— Истиқболли тармоқнинг самараси бизни янги марраларга ундайпти, — дейди паррандачилик фермаси раҳбари Худойберди Сувонов. — Фаолиятимизни кенгайтириб, яна 5 мингга ҳўжа олиб келиш чораларини кўряпмиз. Янги ҳўжалар келтирилиши ҳисобига келгусида ҳозиргидан икки баравар кўп маҳсулот олишни режалаштирганимиз. Бу билан яна 4-5 та янги иш ўрни пайдо бўлади. Биз каби тадбиркорларга яратиб берилаётган шароитлардан мамнунмиз.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

Жиззах Вилояти

ПАХТАКОРЛИК ТОМОРҚАЧИЛАР

Пахтакор туманидаги Пахтакор маҳалласининг бир чети **Жиззах шаҳрига, иккинчи томони Дўстлик, Арнасой ва Мирзачўл туманларига элтувчи автойўлга туташиб кетади. Шу боис, бу ерликлар бир дақиқа ҳам улов қутиб қолишмайди. Маҳалла тадбиркорлари ҳам тиниб-тинчашмайди. Йил-ўн икки ой, аввало, туман марказий дехқон бозорига, кейин бошқа туманлар бозорларига маҳсулот элтишади. Бозорларда ҳам харидорлар биринчи галда Пахтакор маҳалласидан келувчиларни қуттишади. Негаки, уларнинг мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, ошқўку резаворлари ўз томорқаларида етиштирилгани боис, юқори сифатли ва арзон бўлади.**

Бу ерда томорқада меҳнат қилаётганлар кўпчиликини ташкил этади. Масалан, маҳалла оқсоқоли Муродим Мирзоқовлар оиласини олайлик. Уларнинг томорқасида айни кунларда турли дарахтлар гуллаб, экинлар яш-наб турибдики, дилларга завқ бахш этади.

Биз бу хонадонга борганимизда оиланинг каттаю кичиги томорқа ичига бегона ўт юлиш, сув тараш, помидор кўчатлари ва бодринг экиш, редиска, кўк пивёз қовлаш ишлари билан банд эдилар.

— Муродим бобо томорқада ноз-неъмат етиштиришнинг ҳадисини олганлардан, — деди бизни бу ерга бошлаб келган “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси Карим Тотлибоев. — Қаранг, қаторасига олти ҳовли, мана бу кенг томорқа... Бобонинг саксонни қоралаб ҳам

Наманган Вилояти

ТОҚЗОРЛАР УЙҒОНМОҚДА



Чуст туманидаги “Усмонали ота” фермер ҳўжалигининг умумий ер майдони 32,5 гектар бўлиб, шундан 26,5 гектари тоқзор. Айни кунларда фермер ҳўжалиги аъзолари баҳорги дала юмушларини авж олдиришган.

— Ҳўжалигимизда узум етиштириш сирларини пухта эгаллаган соҳибкорлар кўп, — дейди фермер ҳўжалиги бошлиғи Кодиржон Юнусов. — Уларнинг сарф-харажати билан ҳар йили узум етиштиришда яхши натижаларга эришяпмиз. Кейинги йилларда юртимизда боғдорчиликка катта

аҳамият берилмоқда. Биз ҳам икки гектар майдонда ўрик, икки ярим гектар майдонда анор ва гилос кўчатлари парваришлаб, эл-юрт дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдиришга ўзимизнинг ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА



Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Искандар Юсупов (ўндан иккинчи), туман Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фотима Нурматова, маҳалла отахонлари Жўрабой Уроқбоев ва Муродим Мирзоқовлар билан.

шиб, бир-бирини тўлдириб борадиган яхши хислат ва фазилатлари жуда кўп.

Кўпчилик мевасабзавот, картошка, бодринг ва қовун-тарвуз етиштиришни ҳуш кўради. Татар

Қашқадарё Вилояти

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

Вилоятда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қашқадарё вилояти “Сувоқова” ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ҳошим ЛУҚМОНОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Айни пайтда вилоятимиз аҳолиси, корхона ва ташкилотларни ичимлик суви билан таъминлаш учун 280 та сув йиғиш-тарқатиш иншооти, 6155 километр узунликдаги сув қувурлари орқали бир кеча-кундузда 314 минг кубометр ичимлик суви етказиб берилмоқда.

Жумладан, Китоб, Шахрисабз, Яккабўғ туманлари ҳудудларида жойлашган тўртта сув ишлаб чиқариш иншооти бир кеча-кундузда 175 минг кубометр, Толлимаржон очик сув ҳавзаси ичимлик суви иншоотидан 45 минг кубометр, Катта майдон ичимлик суви тизимидан 8 минг кубометр, “Қуймозор” очик сув ҳавзасидан 30 минг кубометр ва якка тартибдаги артезиан қудуқларидан 56 минг кубометр сув ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилляпти.

Шахрисабз-Қарши сув ишлаб чиқариш тизими томонидан бир кунда 175-180 минг кубометр сув Яккабўғ, Қамаш, Чирокчи, Косон, Муборак, Миришкор, Ғузор, Қарши туманлари ва Қарши шаҳрига етказиб берилляпти.

Қарши шаҳридаги 63 та маҳаллада ҳам ичимлик суви таъминотида ижобий натижаларга эришилмоқда. Бундан ташқари, Толлимаржон-Муборак сув ишлаб чиқариш ва таъминлаш бошқармасига қарашли ПК-162 сув олиш ва тозалаш иншоотидан ичимлик суви билан таъминланадиган Нишон, Қарши, Касби ва Миришкор туманларидаги иншоотлар таъмирланди.

Биргина ўтган йили Инвестиция дастурига асосан 23 та аҳоли пунктида 61,93 км. сув тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу мақсадлар учун 2 миллиард 74,2 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Бу эса қарийб 30 минг нафар аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш имконини берди. Намунавий лойиҳалар асосида 20 та массивда қурилаётган уй-жойларга 52 километрдан ортик сув қувурлари тортилди.

Осиё тараққийёт банки иштирокидаги “Қашқадарё ва Навоий вилоятлари қишлоқ аҳоли пунктлари ичимлик суви таъминоти ва санитарияси лойиҳаси” бўйича жами 77 та қишлоқ аҳолиси яшаш жойларининг 603,4 километрлик ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 18,8 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Жорий йилда республика бюджет маблағлари ҳисобидан 15 та иншоотда 79,4 км. сув қувурлари тортиш ва 35 та артезиан қудуғида 4 миллиард сўмлик ишлар бажарилиб, аҳоли ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан 32 та иншоотда 76,6 км. сув қувурлари тортиш, 6 та янги артезиан қудуқларини ишга тушириш, 8 тасига насос ўрнатиш учун бир миллиард 900 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Бу эса 63 минг 900 нафар аҳолининг сув таъминотини тубдан яхшилади.

Косон ва Муборак туманлари марказлари ичимлик суви тармоқлари ҳамда Китоб-Шахрисабз ер ости сув манбалари, қишлоқ аҳоли пунктлари тизимини реконструкция қилишни Хитой Халқ Республикасининг 5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли кредити ҳисобидан амалга ошириш кўзда тутилган. Бу бўйича дастлабки техник топшириқ лойиҳаси тайёрланиб, лойиҳа институтига топширилди.

Бундан ташқари, Касби, Муборак, Миришкор, Нишон ва Қарши туманлари аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун ПК-162 сув тозалаш иншооти ва Нишон-Бешкент магистрал сув қувурини реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича дастлабки техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқилган.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига асосан 22 та массивда 57,9 км. сув тармоқлари барпо этилади. Қўшимча чора-тадбирларга кўра, барча манбалар ҳисобидан жами 4,2 миллиард сўм маблағлар ўзлаштирилиши ва 27,5 км. янги қурилиш, 53,9 км. сув тармоқларини реконструкция қилиш бўйича манзилли дастур шакллантирилган.

“Qishloq hayoti” мухбири
Ҳусан ТЕМИРОВ ёзиб олди.

лигини ошираркан. Ундан ўрнак олиб, бир неча уй бекалари томорқалари уватида кўплаб қорағат ҳам ўстира бошлади. Танзила опанинг маҳалладоши молдован Юрий Дука эса Молдовадан атайлаб алоҳида сановатбоп ток қўчати келтирди. Рус миллатига мансуб Анастасия Светличная, Света Колюжная, озарбойжон Али Алиев, тожик Исроиил Курбонов сингари фахрийлар ҳам маҳалламиз фаолларидан. Уларнинг ташаббуслари ва шахсий намуналари туфайли кўча-хиябонларни ободонлаштириш, ҳовлиларни саранжом-сарилталаш, томорқачиликни ривожлантириш ва бошқа ишларда ижобий натижаларга эришляётди. Буни маҳаллада ўтказилган умумхалқ ҳашарида уч километрдан зиёд кўча ва йўллар текисла-ниб, кўчаларга 500 тулдан зиёд дарраҳт кўчатлари ўтказилгани, маҳалла четидagi бир гектарлик бўш майдон ўзлаштирилиб, мўъжазгина боғ яратилгани, ҳашар жамғармасига 8 миллион сўм маблағ ўтказилгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Маҳалла фаоллари умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари билан тез-тез учрашиб, ўзларининг ҳаёт йўллари, меҳнат фаолиятлари ҳақида сўзлаб бериш билан бирга, уларнинг қизиқишлари, одоб-ахлоқи ва бошқа сифатларини суриштиришади. Маҳаллада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишиларни қўлаб-қувватлаб, ишларини ташкиллаштиришларига ёрдамлашади.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Навоий Вилояти

МУНОСИБ МЕЗБОНЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Навоийда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари-2012» республика спорт мусобақаларига тайёргарлик ишлари жадал давом этмоқда. Кўча ва хиёбонлар, ташкилот ва муассасалар атрофи спортчи ўғил-қизлар, чемпион ёшларнинг тасвирлари акс этган паннолар, турли кўргазмалар воситалар билан безатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июндаги «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида вилоятда катта ҳажмдаги қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти.

Тадбир иштирокчиларини қутиб олиш, жойлаштириш, уларга зарур шароитларни яратиш, беллашуларни юқори савияда ташкил этиш мақсадида шаҳардаги 8 та таълим муассасасининг спорт иншоотлари тубдан қайта таъмирланиб, 2 та мухташам мажмуа ва бир қатор иморатлар янгидан барпо этиляпти. Ўн минг ўринга мўлжалланган янгидан қурилатган спорт комплекси — «Марказий» стадионда асосий тантаналар ўтказилиши кўзда тутилган. Бу ерда яқин кунларда Германиядан замонавий ускуна ва жиҳозлар келтириб ўрнатилади. Бундан ташқари, 15 гектарлик майдонга эга мажмуада иккита ёпиқ спорт зали мавжуд. Мусобақа кунлари бу ерда ўқувчилар енгил атлетика, бадий ва спорт гимнастикаси бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишади.

Мажмуа атрофидаги кўркам боғ, бир неча майдончалар ёшларимизнинг нафақат спорт билан шуғулланишлари, балки маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам қулай. Шаҳардаги олий таълим муассасалари, коллежлар янги жиҳозлар, спорт анжомлари билан таъминланмоқда.

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар, ёшларга кўрсатилаётган эътибор, берилаётган имконият, яратилаётган шароитлар фахрланишга арзиғулик, — дейди кураш турларига ихтисослаштирилган вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори ўринбосари Гулсанам Раҳматова. — Янги ташкил этилаётган ўйингоҳларда турли спорт тўғрисида ташкил этилиб, замонавий инвентарлар билан таъмин-



ланади. Ўйинг-қизларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар мўҳайё қилинади.

Баҳарилаётган ишлар кўлами ҳақида қулиқ маълумотларни қайд этиб бориш, иш суръатини юқори савияда ўтказишни кучайтириш мақсадида спорт коллежиде марказий штаб тузилган. Штабда мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ

ҳужжатлар, иштироки ёшлар учун яратилаётган шароитлар, спорт билан боғлиқ вазиятлар билан анжомларидан иборат тўплам ўрин олган.

Мусобақа қатнашчилари ва меҳмонларини кўнгилдагидек қутиб олиш мақсадида Навоий халқаро аэропортнинг аэровокзал кайтадан реконструкция қилиниб, кўшимча янги иншоот барпо этил-

ди. Шунингдек, темир йўл вокзал биноси ҳам миллий ва замонавий услуб уйғунлигида қайта таъмирланди.

Навоийликлар ушбу нуфузли тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш баробарида, унда муносиб иштирок этишни ҳам мақсад қилишган. Бу йўналишда ишлар изчиллик билан олиб боришмоқда. Вилоятдаги 128 минг нафардан зиёд 6-15 ёшдаги ўқувчи-ёшларнинг 63 минг

да замонавий қулайликларга эга бўлган 11 та турли спорт иншоотида 88 нафар мураббий 163 гуруҳда фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг 23-31 март кунлари вилоятнинг Навоий шаҳри, Навбахор, Кармана туманларида спортнинг 12 тури бўйича мусобақанинг вилоят босқичи ўтказилди. Унда 1152 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Соғирини ўринларни эгаллаган ўсмирлар 1, 2, 3-даражали диплом ва ғолиб жамоалар эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Жумладан, мусобақалар вилоят босқичининг якунларига кўра, шахмат спорт туридан Кармана, волейбол бўйича қизлар беллашувида Хатирчи, футбол бўйича Навбахор туманлари, белбоғли кураш ва миллий кураш, ўғил болалар ўртасидаги баскетбол, стол тенниси, енгил атлетика ҳамда бадий гимнастика турларида Навоий шаҳри ўқувчилари 1-урини эгалладилар. Шунингдек, кўл тўпи, спорт гимнастикаси мусобақаларида Қизилтепа, Кармана туманлари ўқувчилари ғолиб бўлдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда аёллар спортига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йили иштирокчиларнинг 495 нафарини қизлар ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 560 нафарга етди. Спорт билан мунтазам шуғулланувчи қизлар сони вилоятда бугунги кунда 24523 нафарни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 8,3 фоизга ўсди.

Дарҳақиқат, юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида кенг қўламдаги ислохотлар олиб боришмоқда. Қилинаётган ишлар ўз натижасини бермасдан қолмапти, албатта. Бугун катъиятлик ва мардлик хусусиятлари билан сўғорилган ёшларимиз халқаро майдонларда Ватанимиз шафратини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Бунда тизимли тарзда ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» спорт мусобақаларининг аҳамияти юқори бўлмоқда.

Маърифат ШАРИПОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!



«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ФИЛАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фаргона вилоти, Фаргона тумани ҳокимининг 2012 йил 09 апрелдаги 30-Ф-сонли фармойиши ва 2012 йил 12 апрелдаги 28/2-сонли алоқа хатига асосан танлов савдосига тадбиркорлик фаолиятининг амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга жами 1 (бир)та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Ёш ишлаб чиқариш цехи биноси куриш учун, Фаргона тумани, Логон ҚФЙ, Маъшар маҳалла фукаролар йиғини, 2-зона ҳудудда жойлашган, 1 донна 20 000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 7 414 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич

ҳажми Фаргона тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни баҳариш танлов ғолиби, танлов мажбуриятларини баҳариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 30 декабрда бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 17 май кuni соат 18.00 да тўхтатилади.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Фаргона тумани ҳокимлиги биносига 2012 йил 18 май кuni соат 11.00 да очилади, 2012 йил 18 май кuni соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносига танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг

доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 18 майдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 29 май кuni соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 28 май соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Фаргона тумани ҳокимлиги биносига 2012 йил 29 май кuni соат 11.00 да очилади, 2012 йил 29 май кuni соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносига танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов ташкилотчиси - «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фаргона вилоти филиали.

Танлов ташкилотчисининг манзили: Фаргона вилоти, Фаргона шаҳар, Б.Марғилоний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-70, электрон

почта: rieltasvdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисида танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридеги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисида буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган

ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига 10 фоиз закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва 10 фоиз закат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: «Халқ банк» Фаргона вилоти филиали, амалиёт бўлими, х/р: 2020800004920609011, МФО 00497, СТИР 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Фаргона вилоти, Фаргона шаҳар, Б.Марғилоний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси.

Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларга мурожаат этишингизни сўраймиз: (+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорига фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.

“MERG-AVTO” МЧЖ Устав фонди 70 154 975 сўмдан 60 154 975 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Давлолар учун тел.: 303-13-75.	Утеранный кадастр TS № 0157760 на дом по адресу: г. Ташкент Утепинский р-н ул. Гулистан д. 59, выданный ГУРЭОК г. Ташкента на имя Бабаджановой Татьяны Балтабаевны, считать недействительным.	ИП ООО “MERIDIAN” (ИНН 206935298) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского р-на г. Ташкента (реестр № 002361-06 от 29.12.2009 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. С.Алимова, 22, ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.	Утеранный план квартиры, расположенный по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н Авиасозлар-1 д. 13 к-ра 3, выданный БТИ Хамзинского р-на на имя Ахмедовой Мукаддас Абдуллаевны, считать недействительным.
“SHUNRATU VA QUDRATU” ХФнинг ташкилий ҳуқуқий шахли МЧЖга ўзгаририлганлигини маълум қилади. Давлолар учун тел.: 127-91-23.	Ликвидационная комиссия Кредитного союза “ТЕЗКОР-КРЕДИТ” сообщает, что 23 апреля 2012 года в 10.00 час утра в офисе по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Мирзо Улугбека д. 42 к-ра 10А состоится общее собрание членов кредитного союза по вопросу завершения ликвидации процесса.	ООО “SAYRON DIAMOND BROK”, зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент Чиланзар-7 д. 28В к-ра 21, ликвидируется (протокол собрания № 2 от 01.03.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 781-92-38.	Утеранный справку (Форма № 18) из № 619 от 21.02.2011 г., выданную Управлением земельных ресурсов и государственного кадастра г. Ташкента (Глав АТУ) на имя Бутунова Сабра Астановича, считать недействительной. Адрес: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. С.Алимова д. 51 к-ра 1.
“EX HAMMER” МЧЖнинг Устав фонди 58 517 780 сўмдан 14 404 445 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Давлолар учун тел.: 425-22-33.			ЧП “HALIL OTA BIZNES” (ИНН 205010374) зарегистрированное в Английском р-не Ташкентской обл. преобразуется в ООО “HALIL OTA BIZNES” и является его правопреемником и отвечает по всем его обязательствам. Претензии принимаются по тел.: 270-06-47.
“MIL-MUGAN” ХФнинг ташкилий ҳуқуқий шахли МЧЖга ўзгаририлганлигини маълум қилади. Давлолар учун тел.: 186-90-12.	Утеранные бланки формы № 0402005 номера 250846 принадлежащие Чиланзарскому АКИБ Ипотечка Банк, считать недействительными.		

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехнология хамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Агитай АДИЛОВ, Улугбек УЗОҚОВ, Сибатхон АБДУЛЛАЕВА, Махмуд ТОИР, Хамройи РАЗЗОКОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонилла ЮНУСОВ, Ашар КУЛИМУРДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерозд ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.	ISSN 2030-7023 772030702007	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фаргона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.	Реклама ва эълонлар 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртма хатжабор	Навбатчи муҳаррир: С.КОДИРОВ Музаҳхих: О.ЧИЛОВ Дизайнер: М.БОСМУХАММЕДОВА
---	---	---	---	--------------------------------	---	--	---